

## ҚАДИМИЙ Х-ХІ АСРЛАР ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА ҚЎХНА ХОРАЗМДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

**Матякубов Холбек Шоназарович**

*Хива “Ичон-Қалъа” музей- қўриқхона бўлим мудури.*

**Аннотация:** *Муаллиф ушбу мақолада халқ хунармандчилиги ва амалий санъат турларининг Қадимий Хоразмда Х-ХІ асрлар ва ундан кейинги даврлардаги ривожланишига оид маълумотлар ёритилиб беради.*

**Калит сўзлар:** *Хоразм, Қиёт, Хоразмшоҳлар, Маъмун, Олтин Ўрда, Хива хонлиги, Жума масжид, хунармандчилик, амалий санъат, қурилиш, кулолчилик ва кошинпазлик, меъморчилик, мрамар, ёғоч ўймакорлиги.*

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Кўхна Хоразм худудида қадим ўтган даврларда ўзига хос турли цивилизациялар вужудга келган. Ушбу қадимий ўлка фан ва маданият маркази сифатида бутун дунёга донг таратган бўлиб, бу ерда хайратомуз гўзалликка эга шаҳарлар барпо этилган. Бу заминда буюк математиклар, астрономлар, табиблар, комусий олимлар, шоирлар ва етук алломалар яшаб ижод қилган. Буюк оламшумул илмий кашфиётлар математика, геодезия, астрономия, тарих, адабиёт ва санъатга оид бўлса, булар билан бир қаторда халқ хунармандчилиги ва амалий санъатнинг ўлмас дурдоналари ҳам шу масканда яратилган.

Хоразм хунармандчилиги амалий санъати тарихига Хоразмшоҳлар давридан бошлаб назар ташлайдиган бўлсак, Х-аср охирида Хоразмшоҳ унвонини қабул қилган Маъмун ибн Муҳаммад бошқаруви остида пойтахти Гурганч (Кўхна Урганч) бўлган Хоразм ягона давлат бўлиб қолади ва ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустақиллик ва қудрат касб этади. Бу даврга келиб Хоразмдаги шаҳарларда йирик хунармандчилик марказлари пайдо бўлди. Ип, мато, гилам, шойи, мис ва темирдан қурол-аслаҳа, пичоқ тайёрлаш, шиша маҳсулотлар тайёрлаш авж олди. Бу даврдан бошлаб Хоразмда меъморчилик ва хунармандчилик бирмунча ривожланиб борди, чунки бу даврларда Хоразм маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Шаҳарлар қиёфаси ўзгаради саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, карвонсаройлар қурилди. Хоразм шаҳарлари ҳақида ал-Мақсидий шундай ёзади: “Хоразм-серҳосил, озиқ-овқат мўл шаҳардир...” Қиёт шаҳри тўғрисида”...Хоразмнинг марказий шаҳри катта бойликка эга...” Хоразм пойтахти Қиётнинг истехком деворлари ортида бозорлар жойлашган. Жума масжиди қурилган унинг ёнида Хоразмшоҳ Маъмун ўзи учун мухташам сарой барпо эттирган. Мазкур ҳукмдор томонидан Урганчда қурилган бир сарой дарвозаси гўзаллиги ҳақида яна ал-Мақсидий шундай ёзади: “Ҳажжож дарвозаси ёнида ал-Маъмун қурдирган сарой бор. Саройнинг дарвозаси шу даражада ҳашамдорки, бутун Хуросонда гўзаллик жиҳатидан унга тенг келадигани дарвоза йўқдир[1]”. Айниқса, бино ва иншоотлар қурилишида ўймакорлик устунлардан кенг фойдаланилган. Хива шаҳридаги Ичон-Қалъада жойлашган Жума масжиднинг энг қадимги устунлари Х-асрда Амударё тошиб Қиёт шаҳрини ювиб кетгандан сўнг мазкур шаҳар масжидидан олиб келиб ўрнатилган

бўлиши мумкин деган тахминлар бор. Хоразмда XI-XII-асрларда санъат мазмуни мавзуси ўзгаради, қиёфадор тасвирлар йўқолади, улар ўрнига исломий-хандасавий характердаги безак услуби кириб келади, бу даврга келиб Хоразмда қурилиш ашёси сифатида меъморчилик беагида пишиқ ғишт, ўйма тоштарошлик, кошин, ганч ва ёғоч ўймакорлигидан фойдаланиш асосий ўрин эгаллади. Хоразмда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш туридан бўлган геометрик нақш, яъни гирих нақши безакларда етакчи ўринни эгаллайди. Ўрта асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналари ўзининг бадий нафис ва бетакрорлиги шунингдек, табиий ашёлардан ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. “Бу вақтда ҳашамдор дунёвий ва диний-маросимий иншоотлар қурилди, ганч ўймакорлиги безаклари, кошинлар, нақшу-нигорлар кенг қўлланилди, эшиклар ва устунларни ажойиб, бетакрор ўймакорлик саъати беаб турарди. Ҳатто X-XV-асрлар оралиғида ишланган устунларнинг айримларига Қуръондан оятлар ва ҳадислар араб ёзувининг қуфий турида ёзилганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, бу даврга келиб сирланмаган сопол буюмларнинг янги шакллари пайдо бўлиб, кошинпазликда эса сиркорлик технологияси такомиллашди, кошиндан шакллари хилма хил бўлган, сифати яхшиланган, аъло навли сопол идишлар тайёрланди[2]”. XII-XIII-асрларда Хоразмда иқтисодиёт ҳайратомуз даражада юксалади. Бу вақтдаги Хоразм ҳақида араб сайёҳи Ёқуб шундай ёзади: “Мен у ердан 618 (милодий 1219 йил)да ўтдим ва бундай гуллаб яшнаган диёрни бошқа ҳеч жойда кўрмадим... Хоразм қишлоқларининг кўпчилиги бозорлари бор шаҳарчалардир, уларнинг ҳаёти фаровон ва дўконлари сероб, бозор бўлмаган қишлоқни деярли учратмайсиз[3]”. XIII-аср ўрталарига келиб Хоразм Олтин Ўрда таркибига кирганлиги унинг маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган. Хоразмнинг Чингизхон кўшинларининг босқинида вайрон бўлган иқтисодий ҳаёти яна аста-секинлик билан тиклана бошлади. Бинобарин бу даврда ривожланган Олтин Ўрда сополчилиги Хоразм кулолчилик санъатининг кучли таъсирида бўлган. Волгабуи, Шарқий Европа ва Мовароуннаҳр, Хуросон, Хитой, Ҳиндистонга борадиган йўллар кесишган жойдаги ўзининг қулай жойлашувидан фойдаланган Хоразм яна ўзининг иқтисодий аҳволини тиклаб олди. Бу ерда ҳунармандчилик тикланди, янги шаҳарлар барпо этилди. XIV-XV-асрларга келиб Урганчда гўзал бозорлар, кенг кўчалар, кўплаб уйлар бўлган, масжид ва мадрасалар билан бир қаторда саройлар, шифохоналар, бозорлар, турар жой бинолари ҳам бўлганлиги манбаларда тилга олинади. Шунингдек бу даврга келиб Хоразмда Хитой чиннисини эслатувчи оқ сиртга нилий нақш тушириш услубидаги буюмлар кенг урф бўлади. Меъморчилик иншоотлари беагида эса сиркорлик янада кенгрок қўлланила бошлайди, кўк-мовий, оқ кошинли қопламалар пайдо бўлиб, янги услубга асос солинади. Кулолчилик ва кошинпазлик алоҳида санъат тури сифатида шаклланган бу соҳа ишлари маҳобатли биноларнинг пешток, гумбаз ва деворларини беаш учун кенг қўлланилган. Археологик қазималар натижасида Хоразм ҳудудида Жампик қалъадан XIII-XIV-асрларга оид сирланган кошин ликопчалар, Шемаха қалъадан сирланган кошин косалар топилган. Кўҳна Урганчдан эса XV-XVII-асрларга оид сирланган косалар, шунингдек мрамардан ясалган ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам топилган бўлиб, булар XV-асрга оид исломий нақш ва ҳайвонлар тасвири ўйилган мрамар чойнак, ўша даврга оид қора тошдан ясалган қозонча топилган. Бундан ташқари бу даврда ҳунармандчиликнинг тоштарошлик санъати ҳам ривожланди, бу мадраса масжид, минора,

корхоналар қурилиши муносабати билан ёзилган мармар тошга шоирларнинг шеърӣ тарихлари, қабр тошларидаги марсия ёзувлари битилган лавҳалар, ёзувли ёки нақшли эсдалик ноёб буюмлардир. Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа музей-қўриқхонаси фондида КП-1205 рақамда сақланаётган “Исфандиёрхоннинг XVI-аср ёдгорлигига хос бўлган сандик услубидаги мармар қабр тоши нафис ўсимликсимон ўйма нақшлар билан безатилган[4]”. XVI-асрда шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланиб, унинг маҳсулотлари омманинг талабларини яъни халқ истеъмолини қондиришга қаратилган эди. XVII-асрга келиб эса хонликда шаҳарсозлик фаолияти тўхтаб, суғориладиган ерлар қисқариши натижасида, хўжалик ҳаёти издан чиқиб, минтақада савдо фаоллиги сусайди. Сирланган сопол буюмлар тайёрлаш маҳорати ва нақшлаш сифатлари пасайиб кетади. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда заргарлар, ёғоч ўймакорлари, тоштарошлар, кандакорлар ишлаганлар, шиша ишлаб чиқариш сақланиб қолган, кўнчилик, ип-газлама ва шойи тўқимачилиги ривожланган, аммо улар гулсиз, сидирға бўлган, айримларигина бир хил ранг ёки турли рангдаги йўл-йўл безак берилган[5]. XVI-асрнинг охири XVII-аср бошларига келиб Хоразмда ўзбек хонларининг ҳукмронлиги мустаҳкамланиб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаёти Амударё ўзанининг Каспийдан Орол денгизи томон ўзгариши натижасида жанубга силжиши, хонлик маркази ҳисобланган Хива шаҳрининг сезиларли равишда ривожланишига олиб келди. Академик Я.Ғуломов - “Араб Муҳаммадхон даврида марказни Хива шаҳрига кўчирганлар, шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлиги номини олди[6]”,-деб ёзади. Айниқса, Араб Муҳаммадхон, Исфандиёрхон ва Абулғозий Баҳодирхонларнинг хонлик даврига келиб, Хивада мис буюмлар ишлаб чиқариш ва унга нақш ўйиш санъати, шунингдек маиший қулолчилик тез ривожланиб унинг мактаблари вужудга келган. Қурилиш ашёси сифатида меъморчилик беагида пишиқ гўшт, ўйма тоштарошлик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлигидан фойдаланиш анча ривожланди. Бу даврда қурилиб ҳунармандчиликнинг бир неча турлари асосида барпо этилган ва тилга олса арзигулик иншоотларга Хивадаги Араб Муҳаммадхон томонидан қуриб битказилган Араб Муҳаммад мадрасаси (1616й.) ва Абулғозий томонидан мураккаб тарх асосида қурилган Анушахон масжиди ва ҳаммоми (1657й.) яққол мисол бўла олади. Бу иншоотлар қурилишида ҳунармандчиликнинг юқорида айтилган пишиқ ғишторлик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлик, нақшинкорлик, ганжкорлик, тоштарошлик турларидан кенг фойдаланилган. Булардан ташқари Хива хонлигида ҳунармандлар томонидан мисдан ишланган ҳар хил турдаги буюмлар тунча, катта-кичик қозонлар, лаган, жом, идиш-товоқ, қошиқ, чойнак, қумғон, сулопча, патнис ва бошқа халқ кундалик турмуш шароитида бирламчи зарур ашёлар аввало бозорларда савдо-сотикни ривожлантирган, ҳунарманд ва савдогарлар орқали халқ кундалик турмушига кириб келди. Демак бу даврларга келиб ҳунармандчиликнинг кўпгина тармоқлари ривожланган бўлиб, бу тармоқлар хонликнинг иқтисодий ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсата олган. Шаҳарлар ривожини буюртма билан ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорларда сотилишини, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишини, ҳунармандчилик маҳсулотлари товарга айланишини, товар айирбошлаш ва сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантирди. Ҳунармандлардан ўша даврда маълум миқдорда солиқлар йиғилган шунингдек, уларнинг маҳсулотлари бозорларда савдогарлар томонидан сотилиши натижасида пул айланмаси ва хонлик ғазнасига тушадиган

тушумларни кўпайишига сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда қўли гул ҳунарманд халқимиз томонидан санъат асари даражасидаги яратилган ҳунармандчилик ва амалий санъат асарларининг бебаҳо дурдоналари биз юртдошларимизга қадимда ўтган буюк аждодларимиз, ижодкор ва уста-ҳунарманд ота-боболаримизга нисбатан чексиз фаҳр-ифтихор ва ғурур бахш этади. Буюк Хоразмшоҳлар давлатининг шунингдек, Хива хонлигининг ўзига хос маданияти, тарихи, амалий санъати ва ҳунармандчилиги ҳозирги кунларда ҳам ўзининг қадимий ва заминий анъаналарини бутунлигича сақлаб қолиб, ижодий ва амалий жиҳатдан янгилана бориб, ҳозирги ҳаётимизни ҳам ҳар томонлама бойитиб, жаҳонга илхомбахш ва ёрқин бетакроп саҳифаларни тақдим этмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:**

1. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Тошкент.1976.102.б.
2. Вактурская.Н.Н.Классификация средневековой керамики Хорезма 9-12в.в. Керамика Хорезма. Под редакцией С.П.Толстова и М.Г.Воробьевой. Труды Хорезмской экспедиции.Том 4.М.1959.300.
3. Материалы по истории туркмен и Туркмении Тошкент.1939.419б
4. Худайбергенов.К. Хоразм хонлари. Тошкент. Академнашр-2019.101б.
5. Хакимов А. Ичан-кальа давлат музей кўриқхонаси. Альбом- каталог.Тошкент-2006.16 б.
- 6.Ғуламов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи.-Тошкент.1959. -Б-207.